

Jizzax haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy gazeta ✓ Gazeta 1974-yil 1-maydan chiqq boshlagan ✓ WWW.JIZZAXHAQIQATI.UZ ✓ E-mail:jizzax_haqiqati@uznet.net ✓ 2020-YIL 8-IYUL, CHORSHANBA. № 51 (6095)

Хоким ва ёшлар учрашуви

Келажакка ғамхўрлик

Ёшлар инновацион марказида вилоят ҳокими Эргаш Салиев ёшлар билан учрашди. Марказий студияга йиғилган ўттиз нафар ҳамда барча туманлардан онлайн тарзда иштирок этган фаол йигит-қизлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди.

Учрашувда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда бажарилган кенг қамровли ишлар тўғрисида сўз борди. Шундан сўнг ёшлар билан боғлиқ масалаларга бирма-бир тўхталиб ўтилди. Хусусан, Зомин тумани ва Жиззах шаҳри каби бир нечта ҳудудларда уюшмаган ёшлар билан учрашувларда уларнинг ҳаёт тарзида юзага келган муаммоларга ечим топилган. Бугунги кунда воҳодаги 24 минг 81 нафар ишсиз ёшлардан 17 минг 989 нафари иш билан таъминланган. Уларнинг 6 минг 9 нафари эса энди ишли бўлиши кутилмоқда. Турли мақсадларда чет элларга чиқиб кетган 14 минг 327 нафар ёшларнинг 4 минг 431 нафари ортга қайтарилган. Улардан 3 минг 17 нафари иш билан таъминланиб, 1 минг 414 нафари турли ишлар билан банд қилинган.

Тадбирда вилоятдаги мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларидан 31 минг 759 нафар битирувчиларни таълимни давом эттириши ҳамда меҳнат бозорига йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, устувор вазифага айланган мактабгача таълим тизимига юсак даражада эътибор қаратиш зарурлиги билдирилди. Бу борада мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиниши кўрсаткичларини барча шаҳар ва ту-

манларда белгиланган режага етказиш ва орттириш каби муҳим масалалар ортида ёшларнинг тақдири, уларнинг келажаги ётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда енгил тузилмали спорт залининг қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишнинг замонавий услублари ақс этган Германия давлати билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳани амалиётга татбиқ этиш учун ер ажратиш ва ундан кейинги босқичлар борасида тақлиф ва ташаббуслар билдирилди.

Учрашув давомида вилоят ҳокими ёшларни ўйлантираётган муаммоларни эшитиб, уларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди. Йигит-қизларнинг бир қатор тақлиф ва ташаббуслари ҳам қўллаб-қувватланиб, уларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Яқунда ҳар жабҳада интилувчан ва етакчи, спорт соҳасида кўплаб ютуқларга эришган, Ёшлар иттифоқи таркибига фаол хизмат қилиб келаётган шижоатли ёшларга фахрий ёрликлар ҳамда замонавий компьютерлардан иборат қимматбаҳо совғалар берилди.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА.
(«Жиззах ҳақиқати»)

30 июль — «Халқаро дўстлик куни» олдидан

Қозоғистон Республикасининг Туркистон вилояти ҳоқимлиги делегацияси Мирзачўл туманига ташриф буюрди.

Мирзачўл тажрибаси Қозоғистонда татбиқ этилади



бир-бирини бойитиб келаётир.

Республикаимизда ягона ҳисобланган Қозоқ миллий театри ҳам айнан шу ерда ташкил этилган. "Обод қишлоқ" Давлат дастури доирасида театр биноси реконструкция қилиниб, энг кўркам иншоотга айлантирилди. Айни пайтда бу ерда ўзбек-қозоқ миллий-маданий маркази фаолият кўрсатаётир. Марказда ҳар икки миллий буюмлари кўрғазмаси ташкил этилган. Миллий қолғучилик, рақс, ашула, тасвирий санъат каби тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган.

Меҳмонлар ўзбек-қозоқ миллий маданият марказининг ташкил этилиши халқларимиз муштарак маданиятининг ривожига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилганини қайд этишди. Қозоғистон делега-

цияси шарафига бадиий ҳаваскорлик тўғраги қатнашчиларининг концерт дастури намойиш этилди. Туман ҳоқимлигида делегация аъзоларининг фаоллар билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда туман ҳоқими Комил Холмуродов меҳмонларни Мирзачўлда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш истиқболлари билан таништирди.

—Сафардан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг "Обод қишлоқ" Давлат дастурини амалга ошириш тажрибасини ўрганиш, — деди делегация раҳбари, Туркистон вилояти саноатни бошқариш, инвестициялар ва экспорт бўлими бошлиғи Ҳикматилла Раимбеков. — Ҳақиқатдан ҳам республикангиз-

даги ўзига хос бу тажриба ўрганишга, қўллашга лойиқ ажойиб иш. Шу жиҳатдан ҳам ташрифимиз амалий аҳамиятга эга, фойдалидир. Биз Туркистонда Мирзачўл тикувчилик мажмуасининг филиалини очишга келишиб олдик. Бу икки томон учун ҳам фойдалидир. Келгусида Мирзачўл билан ҳамкорликни янада кенгайтираимиз.

Қозоғистонлик меҳмонларнинг Мирзачўл тумани бўйлаб сафарига уларга вилоят ҳоқимининг ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Мухторова ҳамроҳлик қилди.

Тозагул АБДУНАЗАРОВА,
Мирзачўл тумани ҳоқимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Зафар лавҳаси

Дўстлик вилоятимиздаги энг кўп галла етиштирувчи туманлардан бири. Туман меҳнатқашлари ўтган йил кузидан буён 13 минг 700 гектар галлазорда зўр гайрат билан ишлаганликлари бугунги кунга келиб ўз самарасини берди. Давлатга 43 минг 800 тоннадан кўпроқ сара дон сотилди. Ҳар гектар галлазордан олинган ҳосил 64 центнерни ташкил этмоқда.

—Йил-йилга ўхшамас, деганларидек, бу мавсум галлазорларимизда ҳосил чиндан ҳам мўл бўлди, — дейди туман ҳоқимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Шухрат Ҳайдаров. — Эътиборлиси, бу йил ўтган мавсумдагидан анча қисқа, яъни йиғирма тўққиз иш кунда режа бажарилди. Бунда "Оқ олтин", М.Абдувосиев номли, "Халқобод" фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаларининг ҳиссаси катта бўлди. Ҳар гектардан 13 минг 600 гектардан зиёд майдонда ўртача ҳосилдорлик 60 центнерни ташкил этди. "Эшнӣёз бобо", "Дӣёрбек", "Беҳзод", "Улуғмурод Арзун" сингари фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 65-70-93 центнерга етди.

Туманда галла етиштириш билан шуғулланган 342 та фермер хўжалигининг ҳосили баракали бўлди. Бугунги пандемия шароитида кўплаб фермер хўжаликлари нафақат белгиланган шартномадаги, балки кўшимча мажбуриятни ҳам ууддалашди.

Туманда дон ўрими-йиғимига бу йил ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилди. Хосилни нест-нобуд қилмай, қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш учун отрядлар ташкил этилган. Улар кунига ўртача 2 минг 400 тоннадан ортик дон ўриб, қабул пунктларига топширишди.

"Оқ олтин" фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси туманда биринчилардан бўлиб галла топшириш шартномавий режасини ортиги билан ууддалади. Уюшманинг тажрибали деҳқонлари бугуннинг эрталабида ва серҳосил "Таня", "Дўстлик", "Грот" навла-



рини экиб, 14 иш кунда режадаги 4140 тонналик хирмон уйишди.

—Фермерларнинг даромади ўтган йилгига нисбатан икки баробар ошди, — дейди "Оқ олтин" фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Юсуф Нурлибоев. —Боси, бу йил галла харид нархининг ошганидир. Деҳқонларимиз энди бу тармоқдан ҳам керакли даромад олиш мумкин эканлигини яхши англашди. Давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва кўмак муваффақиятимизнинг баш омили бўлди. Ғаллакорлар учун барча шароит яратиб берилди. Бу ҳам меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартирди.

Пишиб етилган ҳосил нест-нобуд қилинмай давлат омборларига ет-

казиб берилди. Туман галлазорларида ўрими-йиғим сусайгани йўқ, 54 та комбайн бетўхтов ишлаяпти.

"Дўстлик Агросервис МТП" МЧЖнинг комбайнчи операторлари ҳосил йиғимида жонбозлик кўрсатишяпти. Бу йил ҳар гектар ўрилган майдон учун 50 минг сўмдан пул ўз вақтида берилгани кунлик ўрими суръатининг ошишига сабаб бўлди.

—Жорий йилда тумандаги 11 минг гектар майдондаги галлани ўриб олишга эришдик, — дейди жамият директори Ориф Нуруқулов. —Бундан ташқари Зафаробод, Шароф Рашидов, Ғаллаорол туманларида ҳам комбайнларимиз ўрими-йиғим ишларида иштирок этмоқда. Ҳисоб-китобимизга кўра, тасарру-

фимиздаги комбайнлар билан 14 минг гектардан зиёд майдондаги галлани ўриб олишимиз, бошқача айтганда, мавсум давомида жамиятимиз фермерларга 7 миллиард сўмлик хизмат кўрсатади. Зафар Жўраев, Ганишер Сунонов, Абдуқалим Эшбеков каби комбайнчиларнинг ҳар бири бугунгача 400-600 гектар майдоннинг галласини ўришди.

Дўстликликлар ердан самарали фойдаланиш ва даромадни янада кўпайтириш мақсадида мош, ерғоққ каби экспортбоп маҳсулотлар етиштириш мақсадида ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгор қилишмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

Адлия брифингида

Ўтган ҳафта якунида бир қатор янги қабул қилинган ҳужжат қий ҳужжатлар бўйича вилоят адлия бошқармасида навбатдаги брифинг бўлиб ўтди.

2020 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон банки иштирокида "Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шойилинч чоралар кўриш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ "Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шойилинч чоралар кўриш" лойиҳаси параметрлари тасдиқланди. Лойиҳанинг мақсади Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши шойилинч чоралар кўриш учун соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, карантин тадбирлари амал қилиши даврида кам таъминланган оилалар ва ишсизларга вақтинчалик нафақалар бериш тизимини кенгайтиришдан иборат.

Лойиҳанинг умумий қиймати 106 миллион 757,1 минг долларни ташкил этади. Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари Халқаро тараққиёт уюшмасининг (ХТУ) кредитидан мақсадли фойдаланиш ҳамда лойиҳани самарали амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

ХТУ кредитидан самарали фойдаланишни мониторинг қилиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қотибияти ваколатлари белгиланди. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади. Қўнун мувофиқ, геодезия ва картографияга оид ишлар умумдавлат ҳамда махсус (тармоққа оид) турларга ажратилади.

"Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди (УРҚ-626, 02.07.2020 й.).

Қўнун билан геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда тегишли давлат органларининг соҳадаги ваколатлари белгиланди. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади. Қўнун мувофиқ, геодезия ва картографияга оид ишлар умумдавлат ҳамда махсус (тармоққа оид) турларга ажратилади.

Шунингдек, Қўнун билан соҳага оид ишларни бажаришга доир асосий

талаблар белгиланди. Геодезия ва картография фаолияти ёки соҳага оид ишларнинг айрим турларини лицензиялаш Ҳукумат томонидан белгиланади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат аҳамиятига молик бўлган ишларни бажариш натижасида олинган материаллар экспертиза қилинади.

"Кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ҳукумат қарори қабул қилинди (421-сон, 04.07.2020 й.).

Қарорга мувофиқ, кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди (421-сон, 04.07.2020 й.).

Қарорга мувофиқ, кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди (421-сон, 04.07.2020 й.).

Транспорт вазирлиги - I, II ва III гуруҳларга кирувчи кемалар бўйича; Факултода вазиятлар вазирлиги - кичик ҳажми кемалар бўйича; Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари - ўзига тегишли I, II ва III гуруҳларга кирувчи кемалар ҳамда кичик ҳажми кемалар бўйича; I, II ва III гуруҳларга кирувчи кемалар ва (ёки) кичик ҳажми кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият бўйича берилган лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан ҳам амалга оширилади. Қарор билан Кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда кема ҳайдовчилари гувоҳномаларини бериш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ, кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шартнома асосида амалга оширилади.

Талабгор кема ҳайдовчилари гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонлар (тест синовлари, сўхбат (билет асосида), кемани бошқариш бўйича амалий имтиҳон) топширади. Имтиҳонлар натижалари бўйича талабгорларга кема ҳайдовчилари гувоҳномалари берилади. Гувоҳномалар ваколатнома (ишончнома) билан берилмайди ҳамда у берилган кундан бошлаб 10 йил муддатга амал қилади.

Ирода АБЛАҚУЛОВА,
вилоят адлия бошқармаси
етаки маслаҳатчиси.

Қарор ижроси бўйича Давлат солиқ кўмитаси томонидан "Soliq" мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказиш тизими ишлаб чиқилди.

1 июлдан бошлаб, юртимизда ўзини ўзи банд қилишдек янги фаолият тури жорий этилдики, бу жаҳон амалиётида ўзини оқлаган, ҳозирги карантин пайтида ишончли ва хавфсиз иқтисодий дастак ҳисобланади.

Тараққиёт тажрибаси: СИЗ ЭНДИ ИШСИЗ ЭМАССИЗ!

Ўш, ўзини ўзи банд қилиш қандай тушунча? Бу борада дунё тажрибаси қандай?

Россия Федерациясида ўзини ўзи банд қилиш фаолияти 2016 йилда қонун билан мустақамланган. Бу давлатда яширин иқтисодиётда ўртача 30 млн. дан ошқ одам ишлаши ҳисоблаб чиқилган.

қилиш анча тараққий этган. Ўзига хос жиҳати — ўзини ўзи банд қилиш ҳам яққа ҳолда, ҳам шериклик асосида, МЧЖ кўринишида ташкил этилиши мумкин.

OAB ва жамоатчилик

Муаммолар ечимини топаётир



Давлат органларининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг халқ олдидаги ҳисобдорлигини ошириш ҳамда республикада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ochki va tashqi auditoriyaga xolis va tezkor etkazib berish Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev siёsatining asosiy tamoyillari dan biridir.

2019 йилнинг 27 июнида қабул қилинган "Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Қарори фикримизнинг далилидир.

Бугун жамоатчилик фикрини ўрганиш, мавжуд муаммолар ечимини топиш учун оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан бир қаторда, барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибида янги шакл ва мазмунда ташкил этилган ахборот хизматларининг ҳиссаси бор.

Ҳар бир фуқаронинг фикрлари, соҳага оид тавсия ва маслаҳатлари диққат билан ўрганилган. Муаммоларнинг ечим топиши учун тегишли ташкилот ва мансабдор шахслар билан алоқалар ўрнатилаётир.

Мазкур ишларнинг давоми сифатида ДХА вилоят бошқармасида ижтимоий воқеа-ҳодисаларга тезкор муносабат билдириш бўйича "Медиа-студия" ташкил этилди. Студияда "Кун мавзуси" кўрсатувининг 3 та сони тасвирга олинди, вилоят телевидениеси орқали эфирга берилди.

ДХА ташкил топганига 2,5 йил бўлди. Бошқа тузилмаларга нисбатан ёш бўлган ташкилот фаолиятини кенг тарғиб қилиш, жамоатчилик билан муносабатлар ўрнатиш бошқарма раҳбарияти ва жамоаси зиммасидаги вазифалардан бири.

Ҳажимжон ҲОЗИЛОВ, ДХА вилоят бошқармаси Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар шўбасининг етакчи маслаҳатчиси.

Ўзини ўзи банд қилиш: ТАРТИБ, РАҒБАТ, НАТИЖА

лайн тарзда ўзингизни банд қилишингиз мумкин. Бунинг учун 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобил илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

лар яшас, чорва молларини ўтлатиш, уларга қараб туриш, жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва сошлаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш, велосипедни таъмирлаш, механизация воситаларини қўлламай бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари билан шуғулланувчи каби шахслар ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан туманлар учун ўзини ўзи банд қилганларни рўйхатга олиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилган бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаёпти.

Қарор ва ижро

Тушунарли бўлиши учун мисол келтирамиз. Қўпчан репетиторлик фаолияти яширин даромад манбаи сифатида қаралиб, айнан даромад солиғи тўланмаслиги учун эътирозларга сабаб бўлар эди. Қарор билан мазкур фаолият тури ҳам ўзини ўзи банд қилиш фаолияти ҳисобланади.

Ушбу амалиёт орқали минглаб инсонларнинг фаолияти қонунийлаштирилади, уларнинг келгуви пенсия таъминотига пойдевор қўйилади, боқимандалик кайфияти секин-аста йўқолиб, ишсизлик қисқаради. Деярли яққа тартибдаги тадбиркор мақомига тенглаштирилган ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадларини янада кўпайтириш устида излана бошлайдилар. Давлат солиқ кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган мобил илова ўзини ўзи банд қилган шахсларни фақатгина рўйхатдан ўтказиш билан чегараланмасдан, бююртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш, юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш, мобил илова ёрдамида ихтиёрли асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан, кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан қиқариш максатида фойдаланиш, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Айрим давлатларда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ҳаттоки расман давлат ишида ишлайдиганлардан кўра кўпроқ даромадли экан. Масалан, АҚШда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони тобора ошиб бораёпти. Investopedia сайтининг хабар беришича, мамлакатдаги жами иш билан банд аҳолининг 30 фоизини шу тоифадаги кишилар ташкил этади.

Шерали СУЛАЙМОНОВ, вилоят ДСБ жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.

Тараққуд АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ бизга нима беради?



Муносабат

Республикаимизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Халқаро тажрибага асосан аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида шаклланади.

Жорий йилнинг 14 январь куни "Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун Президентимиз томонидан имзоланди.

Хусусий нотариал идоралар фаолияти қонун билан мустақамланди

ва қўшимчалар киритилди. Айниқс, улар орасида "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар алоҳида эътиборга сазовор. Чунки киритилган ўзгартиришларга кўра илк бора қонун даражасида хусусий нотариуслар фаолиятига оид нормалар мустақамлаб қўйилди.

тирилган тартибда нотариус бўлишлари мумкин бўлди. Нотариус ёрдами ва стажёрдан ташқари нотариал фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ходимларга эга бўлиши ҳам мумкинлиги қонунан мустақамланди.

ушбу Қонунда ўз ифодасини толган. Бундан ташқари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус эндиликда, нотариал фаолиятни амалга оширишиги учун "нотариуснинг фуқаролик жавобдорлигини суғурта қилиш шартномаси"ни тузиши шарт ҳисобланади.

Улуғбек АБДУЖАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Сайёр суд

Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан ички ишлар тизимида Пробация хизмати ташкил этилди. Пробация хизмати — суд ҳукми ёки қирғим билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Жазодан озод этилди

Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан жазо муддатидан олдин шартли равишда озод этилди. Жумладан, Н.Агламов, Ф.Мансуров, О.Тожибоев, М.Абдураимов, Л.Садиқов, Ж.Хошимов, Д.Соатов, Т.Орипов, Ф.Нурматов, ва Т.Пўлатовлар Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси томонидан ахлоқ тузатиш ва озодликни чеклаш жазоларидан муддатидан олдин шартли равишда озод этилди.

қарамасдан суд томонидан қўйилган чекловларга амал қилмадилар. Натжижада уларга берилган жазо тури бошқа оғирроқ жазо тури билан алмаштирилди.

Пўлат АБДУЛЛАЕВ, Жиззах шаҳар ИИО Пробация гуруҳи катта инспектори, капитан.

Гаффор ДЖЎРАЕВ, Зафаробод тумани статистика бўлимининг етакчи мутахассиси.

Зафар лавҳаси

ДЎСТЛИКНИНГ КАТТА ХИРМОНИ



(Аввали 1-саҳифада)

Хосилни нест-нобуд қилмай, тез ва сифатли йиғиштириб олишда Хўжам Исроилов номли фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасидаги "Пирлар ма-

дадор" фермер хўжалиги аъзолари бошқаларга ибрат бўлишди.

— 38 гектар майдонга буғдойнинг "Грут" навини экиб, сифатли парваришладик, — дейди фермер хўжалиги раиси Фурқат Эшонкулов. — Йилнинг серёғмир келиши деҳқонларимиз масъулиятини янада оширди. Агротехник тадбирларнинг вақтида амалга оширилиши натижасида юқори ҳосилдорликка эришдик ва юртимиз хирмонига 124 тонна сара дон топширдик. Шартнома режасини му-

вафқиятли адо этдик. Бунда жамоамиз аъзоларидан Жаҳонгир Холмирозев, Бекзод Эсиргаповларнинг муносиб ҳиссаси бор. Хар гектар ердан ўрта ҳисобда 74 центнердан дон саранжомлаб олинди.

Тумандаги "Дўстлик агросервис" масъулияти чекланган жамиятининг комбайнлари гуриллаб ишламоқда. Биз машинага дон тўкаётган "КЕЙС" русумли комбайн бош оператори Зафар Жўраевни суҳбатга тортдик. — Қишлоқда туғилиб ўсганман, — дейди Зафар ака. — Ёшлиқдан техникага ихлолим банд. Йигирма йилдирки, галла ва пахта йиғим теримда, қолаверса, кузда ер ҳайдаш ишларида қатнашиб келаяман. Жамоа-



миз аъзолари Фанишер Суёнов, Мурод Холиқов, Абдусалим Эшбеков, Музаффар Абдужалилов, Аваз Юнусовлар билан ўрим-йиғимда дўстона беллашиб меҳнат қилаяпмиз. Хар бир фермер хўжалигида дала бошида иссиқ овқат, иссиқ чой тайёрлаб турилади. Ўтган мавсумда ёрдамчим билан 600 гектар майдондаги галла хосилини ўриб бергандик. Бу

мавсумда 630 гектар майдондаги хосилни йиғиштиришда деҳқонларга ёрдамлашдик. Ниятимиз етиштирилган хосилни бир мисқолини ҳам нобуд қилмай саранжомлаб олиш...

**Муқим ИСМОИЛОВ,
Лазиз МАМАТКУЛОВ.**
(“Жиззах ҳақиқати”)
Муаллиф олган суратлар.

Ўқув анжумани

Ёшларга кредит ажратилди

Ёшлар инновацион марказида Германия жамғарма кассалари фонди, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Ёш фермерлар кенгаши ҳамкорлигида “Қишлоқ хўжалигида стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида ўқув анжумани ташкил этилди.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз меҳнат фаолиятини бошламоқчи бўлган 46 нафар ёшлар иштирок этишди. Уларга бизнес режа тузиш, банк ва талабгор ўртасидаги муносабат ҳамда суҳбат жараёнига тайёрлаш бўйича тушунчалар берилди. Анжуман якунида 22 нафар йигит-қизга 45 миллион сўмлик миқдордаги имтиёзли кредитлар учун сертификатлар топширилди. 9 нафар ёшлар қайта лойиҳа киритиш имконига эга бўлишди. Кредитлар Германия жамғарма кассалари фонди томонидан молиялаштирилди.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА.
(“Жиззах ҳақиқати”)

Огоҳлик — давр талаби

Ахлоқ-оғобли бўлиш — ёшларимизнинг бурчи

Республикаимизда оила ва ёшлар манфаатларини, этика-ахлоқий муносабатларни қонунчилик асосида қўриқлаш давлатнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида ёшларимизнинг ахлоқли, маънавиятли ва қонун асосида ҳаёт кечириши учун реал шароит яратлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 130-моддасида намоён қилинган тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек, уларни йиғирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намоён қилиш ёки тарқатиш ва шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган ҳолатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш жиноятнинг диспозициясини шакллантиришда 1923 йилги Женева Конвенцияси муҳим ўрин тутади. Ушбу конвенцияда қуйидаги қилмишлар жиноят туркумига киритилади: порнографик нарсаларни сотиш, тарқатиш ва оммавий кўргазма қилиш мақсадида муомалага киритиш, ижарага бериш, мазкур маҳсулотларни топиш мумкин бўлган йўллари аниқлаш ёки овоза қилиш.

Порнографик хусусиятга эга бўлган предметлар: асарлар, кўп-ёзма ёки босма нашрлар (ҳикоялар, шеърлар, кўшиқлар ва ш. к.), ашёларнинг тасвирлари, кино-фото материаллар (гравюралар, картиналар, фотосуратлар, ҳайкаллар ва ш. к.), бўлиши мумкин. Шунингдек, маиший предметлар (ўйин карталари, жинсий аъзоларнинг макетлари ва ш. к.), кино-видео фильмлар, телерадио дастурлар, компьютер ва уларнинг электрон ташувчилари (диск, флешка), видео ва овоз ёзувлари материаллар (аудио кассета ва бошқа ўлчамларда ёзилган электрон ёзувлар) кўринишида ҳам бўлади.

Ақсарият ҳолларда бадиий ёки илмий қимматга эга санъат асарларини порнографик маҳсулотдан фарқлашда муаммолар юзага келади. Шу сабабли бундай

ҳолларда мутахассисларнинг (санъатшунос) фикриси бундай маъмулдаги маҳсулотларни порнографик маҳсулот деб қайд этиш мумкин эмас. Чунки қонун мазмунига кўра бадиий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган маҳсулотларгина порнографик маҳсулотлар дейилади.

Порнографик маҳсулотни тайёрлаш деғанда, ушбу предметларни яратишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилади. Шу билан бирга порнографик маъмулдаги материалнинг асл қўриқилишидан нусха кўчириш ёки бадиий, илмий ёки бошқа маъмулга эга маҳсулотларга қўшимчалар киритиш ёки қайта ишлаш, реклама қилиш, порнографик маълумотлар ёзилган дискдан тоза дискларга кўчириш ҳаракатлари ҳам жиноятга қиради. Кўрсатилган материалларни тарқатиш деғанда, уларни осиб қўйиш, аудитория олдида чиқиш қилиш, бировга кўрсатиш тушунилади. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш учун қўриладиган жиноий жавобгарлик маъмурий жавобгарлик кодексининг 189-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо чоралари қўлланилгандан сўнг содир этилган жиноят учун қўлланилади.

Бугунги кунда ёшларимизни юқасак маънавиятли шахс этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Демак, навқирон авлод вакиллари жамиятдаги ахлоқ нормаларига риоя қилиб, қонуналигимизни ҳурмат қилишлари лозим. Хар қандай қонунбузилиш ҳолатларига эса жазо муқаррар.

**Сарваржон ТОШКЕНТБОВ,
ИИВ академиясининг
3-босқич курсанти.**

Инсонлар ўртасида ўзаро ахборот алмашишда интернет тармоғига эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад илм олиш, имкониятларни осонлаштириш, одамларнинг узоғини яқин қилишдир. Бирок, хар нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларнинг жиддий хатарлари ҳам юзага чиқмоқда. Айрим сайтларда беҳаёлик, ўз жонига қасд қилиш, бузғунчи оқимларнинг тарғиботи, турли фитналар, ёлгон маълумотлар берилаётганини кўзатишимиз мумкин.

Ижтимоий тармоқлардаги хатарлар

Нотўғри ҳаракатлардан бири дин ниқоби остида одамларни санъатли амалларга қизиқтириш, охираддан кўрқитиш маъносидagi турли ёлгон хабар, расм, аудио ва видеохабарлар ҳамда тўқима ҳадисларни тарқатишдир. Динимиздаги хар бир ҳукм, сўзнинг суянадиган асоси бор. У Қуръони карим, саҳиҳ ҳадислардан пайдо бўлган далиллардир. Бинобарин шундай экан, дин мавзусида бирор гапни айтиш Аллоҳ ва Раёсули тарафидан гапириш ҳисобланади. Бунда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади.

Айтилаётган гап динга алоқадор бўлса, масъулияти янада ошади. Бу ҳақда пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар: “Қишига гуноҳ бўлиши учун эшитган нарсасини гапиришининг ўзи кифоядир”. Ёлгон — катта гуноҳ. Ўша ёлгон гаплар Аллоҳ таолонинг шаънига айтилса, яна ҳам катта гуноҳдир. Пайғамбаримиз “Ким менинг номимдан қасддан ёлгон тўқиса, жаҳаннамдаги жойини тайёрлайверсин”, деганлар.

Яхшилик ва ёмонлик, фойда ва зарар Аллоҳ таолонинг хоширодаси билан бўлади. Ёлгон ва тўқима хабар тарқатувчи гуноҳкорлар шу нарсани билмоқлари керакки, Аллоҳ таолонинг ҳақ дини ёлгон хабарлар, гап-сўзлар билан қувватланшига асло муҳтож эмас. Диний мазмунга эга бўлган маълумотларни нашр этиш ва тарқатишда, албатта, мутахассис уламоларнинг хулосасини олиш жуда ҳам зарур.

Маълумки, интернетда сон-саноксиз сайт ва телеграм каналлари фаолият кўрсатапти. Уларда рости-ёлгон, ишончли, ишончсиз гаплар аралашиб кетган. Бу каналларнинг фойдасидан зарари кўп. Ижтимоий тармоқларда Муслим.уз ва 40 дан ортқик ҳамкор сайтлар, феисбук, телеграм каналлари фаолият кўрсатмоқда. Ватандошларимиз ана шу ижтимоий тармоқлардан фойдаланишлари мумкин. Буни зинҳор эсдан чиқармаслик керак.

**Меҳмонхон ЖАББОРОВ,
вилоят бош имом-хатиби.**

Хонадонга ёнғин Фавкуллда вазиятлар бошқармаси тезкор бошқарув марказига Пахтакор туманидаги “Тошкентлик” МФЙда жойлашган уйларнинг бирида ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида хабар келди. Дарҳол ёнғин жойига туман фавкуллда вазиятлар бўлимининг 2 та ёнғин-қутқарув бўлинмалари юборилди.



Бўлинмалар ёнғин жойига соат 17.07 да етиб боришган. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ёнғин соат 17.40 да батамом ўчирилган. Ёнғин натижасида хонадоннинг 22 квадрат метр майдондаги шифт қисми ёниб зарарланган. Жабрланганлар йўқ. Ёнғин сабаби ва кўрилган моддий зарар миқдори аниқланмоқда.

**Фаррух АБДУРАХМАНОВ,
вилоят ФВБ ахборот хизмати бошлиғи,
катта лейтенант.**

Чўмилиш қоидаларини биласизми?

Сувнинг мусаффолиги унинг хатардан ҳоли дейишга асос бўлолмайди. Зеро, сув орқали тери-таносил, кўз касалликларини юқтириб олиш мумкин. Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фавкуллда вазиятлар вазирлиги ходимлари ва ДСЕОМ мутахассислари билан ҳамкорликда сузиш хавзаларида хар ой сув таркиби ўрганиб борилади, режали равишда бу каби масканлар текширувдан ўтказилади.



лиши ва албатта махсус кийим (резина шляпа, чўмилиш кийими, резина оёқ кийими, кўзойнақ)лардан фойдаланишлари шарт. Бу сувнинг гигиеник ҳолати ёмонлашишидан сақлайди. Шунинг учун ота-оналар фарзандларининг вилоятимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча шарт-шароитларга эга, махсус текширувдан ўтказилган сув ховузларида чўмилишларини таъминлашса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Х.КАРИМОВ,
вилоят ФВБ ходими.
С.РАЖАБОВ,
Жиззах шаҳар ФВБ бўлинмасининг бошлиғи, катта лейтенант.**

«Баҳодир» тўғрага қарши

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда вилоят мусикали драма театри ижодкорлари хайрли ишга қўл уришди.

Имконияти чекланган, уйда таълим олувчи 100 дан зиёд ёшлар учун вилоят мусикали драма театрида “ZOOM” платформаси орқали онлайн спектакль намоён этилди. “Баҳодир” деб номланувчи саҳна асари ёш ижодкор Сардор Ҳамроев қаламига мансуб бўлиб, унда икки дўстнинг экстремистик ташкилотлар фаоли-

тига аралашиб қолганликлари ҳикоя қилинади. Улардан бири ёлгондан ташкилот аъзосига айланади, лекин якунда, Ватанига содиқ қолиб, отасига берган сўзининг устидан чиқади ва жиноятчиларни қўлга олади. Бош режиссёр Шохроҳ Йўлдошев ушбу спектаклда ижодий жамоанинг сидқидилдан меҳнат қилганлигини ҳамда бу каби спектакллар ёшлар учун хар ҳафтада бир маротаба саҳналаштирилиши кўзда тутилганлигини таъкидлади. — Вилоят бўйлаб 600 нафар ёшлар қамраб олинди,



**Мухлиса МЕЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг фаоли.**

КОРОНАВИРУС
ДУНЁДА

2020 йил 7 июль соат 15.00 ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони — **11761415** нафар,
тузалганлар сони — **6755324** нафар,
вафот этганлар сони — **541154** нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 7 июль соат 15.00 ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони — **10459** нафар,
тузалганлар сони — **6690** нафар,
вафот этганлар сони — **38** нафар.

Вилоятимизда

2020 йил 7 июль соат 15.00 ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони — **53** нафар,
тузалганлар сони — **34** нафар,
вафот этганлар сони — **2** нафар.

ЭНГ МУҲИМИ, ҲУШЁРЛИК!

COVID-19
Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган хабарга кўра, юртимизда коронавирусга чалинганларнинг умумий сони 10 минг нафардан ошган. Уларнинг 6584 нафари соғайган.

Аҳоли орасидан коронавирус қиқш ҳолати кундан-кун кўпайиб бормоқда. Биргина 5 июль куни 121 та ҳолатда аҳоли орасида (шундан 84 та Тошкент шаҳрида, 21 та Тошкент вилоятида, 16 та Самарқанд вилоятида) аниқланган. Вилоятимизда ҳам касалланиш ҳолатлари ошиб бораётгани хавфли вазиятларни туғдирмоқда. Бу ҳақда вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врачининг ўринбосари Минигул Муҳитдинова минтақамиздаги ҳозирги вазият ҳақида гапириб берди. — 22 июнь куни Шароф Рашидов туманида яшовчи 72 ёшли оқсоқолга коронавирус ташхиси қўйилиб, вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилди. Беморга, шунингдек, чап

бронхопневмония, иккинчи даражали нафас етишмовчилиги, ангина пекториси, гипертензия ва оғир диабетнинг ташхиси қўйилган. Бемор охириги 10 йил давомида юрак томирлари касаллиги, ангина пекториси ва диабет касаллигидан даволанган. Сўнгги кунларда нафас олиш, юрак ва ўпка етишмовчилиги туфайли унинг аҳоли ёмонлашди, уни реанимация бўлимига ётқизишди. Аммо, реанимация жараёнига қарамай, у 29 июнь куни ўткир миокард инфаркти, юрак-қон томир ва нафас олиш етишмовчилигидан вафот этди. Шу сабабли Шароф Рашидов тумани “қизил” зонага киритилган, бу ерда карантин режими қучайтирилган. Шу муносабат билан тадбиркорлик

субъектлари ва нодавлат таълим муассасалари фаолияти маълум даражада тўхтатилди. Фуқаролар томонидан ижтимоий масофа нормаларига риоя қилиниши қатъий назорат қилинади. 4 июль ҳолатига кўра эса коронавирус инфекциясининг тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, вилоятимиз шаҳар ва туманлари “қизил”, “сарик” ва “яшил” ҳудудларга ажратилди. Унга кўра вилоятимизнинг Фаллаорол, Дўстлик, Шароф Рашидов туманлари “қизил” ҳудудга киритилди. Биз тўрт ойдан буён коронавирус билан курашмаяпмиз, лекин қўлимизда аниқ бир қўлланма, даволувчи дори йўқ. Биз фақат ниқобларни тақиш орқали касалликнинг олдини олиш мумкинлигини айта оламиз. Бундан бошқа чора йўқ. Мамлакатимизда қаттиқ карантин шароитлари мавжуд, касалликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмади. Аммо,



биз шунини тушунишимиз керакки, агар вирус йўқ бўлиб кетмаса, унда у билан “бирга” яшашни ўрганиш керак. Шу кунларда хар бир инсон янада ҳушёр бўлиб, карантин қоидаларига қатъий риоя этиши талаб этилади.

Шаҳноза ЮЛДАШЕВА.
(“Жиззах ҳақиқати”)

БЕШ ТАШАББУС – БОШ ТАШАББУС

БИЛДИРУВ ВА ЎЗЛОҶЛАР

ТАЪССИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲАММА БОЛАЛАР СОҒ БЎЛСИН!

Вилоятимиздаги уй таълимида бўлган болалар ҳам ўз тенгдошлари каби мактабда таълим олгиси, дўстлари билан ўйнаб-кулгиси келади...

ота-онасининг бахтига соғ бўлишсин.

Партия аъзолари туман мутасаддилари билан болаликдан ногирон И.Халилов, С.Ҳамидова, Д.Абдукаримова, Н.Бектемирова сингари уй таълимидаги болалар ҳолидан хабар олиб, уларнинг муаммоларини ўрганишди.

Ўйда таълим олаётган ўқувчилар сони 26 нафарни ташкил этади. Партия ташкилотчилари "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ана шундай ўқувчилар билан ҳам суҳбатлашиб, уларга совғалар топширишди.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА. ("Жиззах ҳақиқати")

2019-2020 ўқув йили якуни ва Ёшлар куни муносабати билан Жиззах политехника институти ректори талаба ёшлар билан онлайн тарзда мулоқот ўтказди.

Ректор ва ёшлар

Мулоқотга 30 дан орტიқ талаба қамраб олиниб, бугун уларнинг ўй-фикрлари, муаммолари нималардан иборат эканлиги суҳбатнинг асосини ташкил этди.

Саволларнинг барчасига институт ректори томонидан батафсил маълумот берилди. Шунингдек, онлайн дарсларни самарали ташкил этишга қаратилган таклифлар ҳам айtilди.

Х.НУРУЛЛАЕВА. ("Жиззах ҳақиқати")

Ўзбекистон халқ демократик партияси томонидан мизрачўллик уй таълимида бўлган, имконияти чекланган ёшларнинг йўқлангани кўнгилларга таскин берган бўлса, ажабмас. Тумандаги 10-сонли умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Ақлинисо Акмалова бу эътибордан хурсанд.

қалбнинг орзулари бисёр. Ижодга иштиёқманд қизалоқ ўз сатрларида ҳаётда умид билан яшашини ёзади.

Улар меҳрга муҳтож

Бахмал туманининг Ойқор тоғларида кўнғир ва жигарранг айиқларни учратиш мумкин. Кўнғир айиқнинг кўриши яхши бўлмаса-да, ҳид билиши ва эшитиш аъзолари кучли.

Катта айиқнинг ясси бурни ва ўткир тирноқларидан ҳеч бир хонзот қочиб қутулолмайди. Унга қаҳратон писанд эмас. Қалин мўй-наси, тери остидagi ёғи уни совуқдан сақлайди.

Ваҳшийлиги шундоққина сезилиб туради. Мустаҳкам жағлари билан дарахт шоқлари, бутга ва пояларни осонгина ғажийди. Емак танлаб ўтирмайди.

Она айиқ кичкинтойларини меҳр билан парваришлайди. Улар учун энг хавfli душман — қондош эр-каклари. Она айиқ жонини бериб бўлса ҳам болаларини ҳимоя қилиши лозим.

Она айиқ бирор хавф-хатар солаётганини олдиндан сезади. У душмани чалғитишни яхши билади. Болалари эса яшириниб олади. Вақти келганда, она-бола айиқлар ўртасидаги ришта узилиб, болалари мустақил кун кечира бошлайди.

Чемпионнинг орзуси

Жиззах политехника институти академик лицейи жамоаси қарийб йигирма йил давомида ўқувчиларга таълим-тарбия бериб, баркамол авлоднинг катта ҳаёт сари қадам қўйишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Чемпион спорт соҳасидаги ютуқлари билан чекланиб қолмади. У математика, тарих, она тили ва адабиёт фанларини чуқурлаштирган қўшимча дарсларда қатнашиб ўрганмоқда.

Барно СИҶДОРОВА, Ғаллаорол туманидаги 16-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси.

Кўнғир ва жигарранг айиқларни учратиш мумкин. Кўнғир айиқнинг кўриши яхши бўлмаса-да, ҳид билиши ва эшитиш аъзолари кучли. Дарахт танаси ва йирик буталарга ишқаланиб, ҳидини қолдиради. Бу белги ҳудудий низоларнинг олдини олишда асқотади.



ган. Айиқлар атрофдагиларга зиён етказмайди. Доимо бир сўқмоқдан юради, одамларга ҳужум қилмайди, одам ҳидини узокдан сезади. Тоғлиқлар ҳам шовқин солмай, уларга ёқмайдиган иш қилишдан эҳтиёт бўлишади.


Лекин айиқлар одамлар меҳрига муҳтож. Чунки уларнинг сони камайиб бормоқда. Одамлар уларга ғамхўрлик қилмоқлари лозим.

Шу йили Универсал жанг бўйича 2-3 ноябрь кунлари ўтказилган вилоят очиқ биринчилигида ҳам голиб бўлди. Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида кўл жанги бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 75 кг. вазн тоифасида 1-ўринни кўлга киритди.

Чемпион спорт соҳасидаги ютуқлари билан чекланиб қолмади. У математика, тарих, она тили ва адабиёт фанларини чуқурлаштирган қўшимча дарсларда қатнашиб ўрганмоқда.

Барно ИСЛОМОВА, лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси. Лазизхон БАРАКАЕВ, лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Тахририятимизга июнь ойи давомида муштарийлардан 80 та хат-хабар келиб тушди.



Бундай мақолалар сирасига Шароф Рашидов туманидаги "Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғини Фаоли Нилуфар Алиеванинг "Китоблар хатолардан холи бўлса", ЖДПИ академик лицейининг ўқитувчиси Наргиза Бобожонванинг "Аёл жасорати", Шароф Рашидов туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси Матлуба Абдусаломованинг "Шарққа мафтун шоир", вилоят наркология диспансерининг шифокори Аҳдам Ропижоновнинг "Қора оғунинг чангали" сарлавҳали мақолаларини киритиш мумкин.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Холида Алимованинг "Маҳкумларнинг хуқуқ-манфаатлари қонун ҳимоясида", Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты Урал Ўразбоевнинг "Ўзини ўзи банд қилган фуқаро", адлия бошқармасининг масъул ходими Улмас Абдиевнинг "Коррупцияга қарши курашда Сингапур тажрибаси", ички ишлар бошқармаси ЙХХБ матбуот хизмати гуруҳи инспектори Сабоҳат Нейматованинг "Балиқчиларнинг ўзи "турга" тушди", Зомин тумани маъмурий суди раиси Шомурод Бегматовнинг "Алимедан қочиб..." сарлавҳали мақолалари муштарийлар эътиборини тортиди.

Газетамиз саҳифаларида ўнлаб танқидий-тахлилий мақолалар ҳам берилди. Вилоят монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармасининг бўлим бошлиғи Изагулла Акмуродовнинг "Қонун барчага баробар", ЎзАнинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Тўшқул Бекназаровнинг "Вилоятдаги катта муаммо" сарлавҳали мақолаларида ўта долзарб муаммолар кўтарилганлиги, уларнинг ечимни очиб берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тахририятимизга ёзишда давом этинг, азиз муштарийлар! Биз СИЗ билан доимо биргамиз!

Дилноза НИЗОМОВА, "Жиззах ҳақиқати" газетаси хатлар бўлимининг ходими.

Шароф Рашидов туманининг Учтепа маҳалласида "Ёшлар меҳнат гузари" биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Курилиши учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланган мажмуада гўзаллик саломи, савдо дўкони, замонавий наввойхона, аёллар ва эркеклар спорт клублари, тикуччилик цехи ҳамда автомобилларга хизмат кўрсатиш шохбачалари ишга тушди.

— Гўзар қурилиши учун менга "Ёшлар — келажагимиз" давлат дастури доирасида 600 миллион сўм имтиёзлий кредит ажратилган эди, — дейди ёш тадбиркор Нодир Холбутаев. — Эндликда 20 нафар ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашга мўвафақ бўлдик.

Бундан ташқари, шу бинода 150 нафар ўқувчига мўлжалланган ўқув маркази ишга тушгач, яна қўшимча янги иш ўринлари яратилади.

Ўз мухбиримиз

«Жиззах ҳақиқати» газетасининг «РЕКЛАМА ВА ТИЖОРAT» бўлими

орқали нафақат оддий эълон, билдирув ва рекламанингизни, балки: — ўзингиз ёки яқинларингиз, ҳамкасбларингиз ҳақида юбилей мақолалари, тўйхатлар, хотиралар уюштирингиз; — илшонангиз ҳақида махсус мақолалар ташкил этишингиз, унинг хисоботларини ёритишингиз, факриларингиз ҳақида лавҳалар, суратлар эълон қилишингиз; — илмий-ижодий намуналарингизни, китоб ва рисоаларингиздан парчаларни реклама тарзда чоп этиришингиз мумкин.

Умуман, реклама бўлими орқали амалдаги қонун-қондиларга зид бўлмаган ҳар қандай материалларингизни эълон қилишга эришасиз.

Бунинг учун тахририятга ташириб буюринг ва реклама бўлими орқали ўзингизга маъқул нарх ва шаклда битим тузинг!

Тел: 226-18-10.

Автоҳалокат

Ҳеч ким жараҳатланмади



Вилоят ИИБ ЙХХБ.

Миннат дорчилиқ

Чехрасидан табассум ёғилади

Ёшим 73 да. Яқинда Жиззах шаҳридаги "Мадад шифо" клиникасида даволандим. Саломатлик посбонларининг ўз ишларига ниҳоятда масъулияти, беморларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлишлари менда жуда илқ таассурот қолдирди.

Муҳаббат ШЕРМАТОВА, Форш туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг амалиётчи-психологи.

Jizzax haqiqati MUASSISLAR: Xalq deputatlari viloyat Kengashi va viloyat hokimligi

Bosh muharrir Bahodir NAZAROV Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018 yil 7 dekabrda ISSN 2010 7730. Qo'g'oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588 QABULXONA — 226-40-65. XATLAR — 226-59-84, REKLAMA va E'LONLAR — 226-18-10. Navbatchi muharrir: Z. ERGASHEV. Gazeta operatorlari: A. NORBOYEV, D. SADIROV. Musahhih: N. BOZOROVA.

Gazeta «Noshir Lux» MCHJ bosmaxonasida chop etiladi. Korxonа манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй Shartnoma bo'yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.00

Buyurtma № 376 Adadi: 9790 nusxa. Sotuvda kelishilgan narxda. Manziligimiz: 130100 Jizzax shahri, Sayiljoyi ko'chasi, 4-uy. E-mail: jizzax_haqiqati@uznet.net Indeks: № 3500